

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси	63
С.ҚУРОНОВ	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
Ф.ДАДАБАЕВА	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
М.ЖУРАЕВА	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар	76
Д.ТУРДАЛИЕВА	
Лисоний имконият ва бадий санъат	79
Н.АБДУЛЛАЕВА	
Синтактик градуонимия.....	84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни	87
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
Л.РАХИМОВА	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	99
М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири	101
А.ЭРМАТОВ	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	103
Л.БЕГИМҚУЛОВА	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
М. УСМАНОВА	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши	108
Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари	111
Н.ТОШЕВА	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
Г.РОЗИҚОВА	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРҲУЖАЕВА	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
Ш.АСКАРОВА	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр.....	126
-------------------------------	-----

ЛИСОНИЙ ИМКОНИАТ ВА БАДИИЙ САНЪАТ

Д.Турдалиева

Аннотация

Мақолада, асосан, айтилган фикрни далиллаш учун кўпроқ ташбихдан фойдаланилиши, лексик бирликларнинг истиоравий қўлланишида уларда нисбий мустақиллик бўртиб туриши, халқ мақоллари эса методологик характерга эга бўлганлиги учун ҳар бир вазиятда ўзига хос вазифа бажариши ёритилган.

Аннотация

В статье утверждается, что для доказательства мнения зачастую используется сравнение (аллегория), при заимствовании лексических единиц вперед выступает относительная независимость, а народные пословицы, в силу методологического характера, в каждом конкретном случае выполняют своеобразную задачу.

Annotation

Proverbs, basically used to make comparison because they confirm the spoken ideas. Lexical units can use as metaphor and they are given opinions relative free than others. Nation proverbs have methodologically character and they function typical tasks in every situation.

Таянч сўз ва иборалар: лисоний имконият, нутқий воқелик, онглилик, онгсизлик, мақол, бадий санъат, лафзий санъат, маънавий санъат, ташбих, истиора, методологик вазифа,

Ключевые слова выражения: лингвистическая возможность, речевая реальность, сознательность, несознательность, пословица, художественное искусство, словесное искусство, духовное искусство, аллегория, метафора, методологическая функция.

Keywords and expressions: lexical opportunity, speech reality, consciousness, mental immaturity, proverb, literary art, verbal art, spiritual art, allegory, metaphor, methodological tasks.

Бадий санъатлар замирида у ёки бу тарзда воқеланган тил ҳодисаларнинг шакли ёхуд мазмуни ётади. Ўзбек адабиётшунослигида бадий (асосан, шеърий) санъатлар кенг ўрганилган [1.27]. Бироқ, уларнинг лисоний асослари масаласи кам тадқиқ этилган. Шунингдек, манбаларда лисоний асослар бўртиб турадиган санъатларга “ёвқараш” муносабатда бўлиш, унга шаклбозликка мойилликнинг устуворлиги сифатида қараш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, ўзбек адабиёти тарихида қўлланган лафзий санъатларнинг аксарияти арабий имло, сўз қўллашга ўхшаш шаклбозликдан иборат эканлиги ҳақидаги фикрларнинг устуворлигини кўришимиз мумкин.

Этиборга олиш лозимки, бадий санъатни ҳосил қилувчи восита истаймизми, йўқми, бевосита ёки билвосита тил ифодаларидир. Тил ифодасидан ҳоли ҳолдаги бадий санъат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро, адабиётнинг ўзи сўз санъатидир. Масалага фақат шакл ёки мазмун, сўз ёки маъно, маъно ёки мазмун мақсади нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш керак бўлади, холос. Айрим санъатларда шакл ва маъно

биринчи ўринга кўтарилади. Масалан, Эркин Воҳидовнинг “Қаро қошинг...” шеърида шаклнинг яққол бўртиб туришини кўришимиз мумкин.

Маънога асосланувчи санъатларда шакл, шаклга асосланувчи санъатларда маъно мутлақ аҳамиятсиз бўлиши мумкин эмас. Фақат бирида маъно, иккинчисида шакл етакчилик қилади, холос. Аслида ҳар қандай тил ҳодисасининг қўлланишида у ёки бу даражадаги маълум бир бадий санъатни кўриш мумкин.

Бадий санъатлар лисоний имкониятларнинг нутқий намоён бўлишидир. Тўғри, бирорта имконият соф ҳолда воқеланишда унинг ўзига хос имконияти зарралари бошқа, “бегона” имкониятлар зарралари билан қоришган, синтезланган ҳолда намоён бўлади. Натижада вужудга келган воқеланиш ёки воқелик мураккаб моҳият касб этиб, муайян бир вазиятда у ўз ва ўзга имкониятларнинг яхлитлиги сифатида намоён бўлади.

Лисоний имкониятлар воқеланишининг ёрқин намунаси – унинг бадий нутқда юзага чиқиши. Лисоний имконият бадий

Д.Турдалиева – ҚДПИ мустақил изланувчиси.

қўлланишда ижодкорнинг истеъдоди, бадий тафаккур даражаси, тил билими ва маҳоратидан келиб чиққан ҳолда нутқнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда ранг-баранг ҳолатда ўзига асос бўлган имконият даражасига кўпроқ интилади. Ижодкорнинг маҳорати эса мана шу имкониятдан қай даражада фойдаланиши ва ўз ўрнида, имконият кенгайиши учун қанчалик ҳисса қўшиши билан белгиланади. Бадий санъатларнинг индивидуал ва бетакрор қўлланишлари ҳам, бир томондан, имкониятдан унумли фойдаланиш бўлса, иккинчи томондан, бу имкониятларни кенгайтиришдир.

Ўзбек тилшунослигида бадий санъатлар адабиётшунослик аспектида кўп ва атрофлича тадқиқ этилган. Лекин уларнинг лингвопозетик тадқиқи бўйича махсус изланишлар салмоғи анча кам. Бу эса уларни тил имкониятларининг бадий санъатларни шакллантиришдаги роли ва ўрни масаласини махсус тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади. Қуйида бадий санъатлар сирасида алоҳида ўрин тутадиган ташбеҳ санъатининг лисоний асосларига тўхталамиз.

Тилдаги янги маъноларнинг вужудга келишида метафора ҳодисасининг ўрни беқиёс, деса муболаға эмас. Бирорта янги маъно (янги бирлик эмас) ҳосил бўлиш усуллари сирасида метафорачилик кенг қамровли ва сермахсул ҳодиса бўлмаса керак.

Маълумки, ташбеҳ ва истиора ўхшатишга асосланган санъат, улар тил бирликларининг маъносига дахлдорлиги билан характерланади.

Ташбеҳ сўзларда ифодаланган бирдан денотатдаги хусусиятни улар орасидаги ўхшашликка асосланган қиёслашга таянади. Ташбеҳ 4 қисм : мушаббаҳ (ўхшатиш нарса), мушаббаҳунбеҳ (ўхшаётган нарса), адоти ташбиҳ (ўхшатиш воситалари), важҳи ташбиҳ (ўхшатиш асоси) дан иборат. Масалан, *Азиза гўзалликда атиргулмонанд эди* жумласида *Азиза* – ўхшатилаётган денотат, *атиргул* — ўхшаётган денотат, *-монанд* — ўхшатиш воситаси бўлса, *гўзаллик* – ўхшатиш асоси. Бироқ бунда ўхшатиш бўлса-да, лингвистик метафора ҳодисасини кўрмаймиз. Зеро, ушбу ҳолатда ўхшатиш бутун гапга сочилиб кетган. Ҳолбуки, метафорада ўхшатиш барча

унсурлари билан бир сўзда мужассам бўлади. Шу жиҳатдан метафора бадий ўхшатишнинг истиора турига яқинлашади. Бироқ бадий адабиётда барча кўчимга нисбатан ташбеҳ атамасини қўллаш ҳолатлари кўп учрайди:

*Ташбиҳ ахтармангиз ушбу ғазалдан,
Нақд жойда насия не керак асли.
Аён бир хислатинг бордир азалдан,
Сени атамишлар уйғониш фасли!*
(Абдулла Орипов, “Баҳор”)

*Тун билан тонг эрур ташбиҳга удум,
Мисоли захру май, ҳажру шакар лаб.*
(Абдулла Орипов, “Алишер”)

*Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зухро
Букун шеърим ичра ташбиҳдир мумтоз.*
(Абдулла Орипов, “Муаллимларга”)

*Эҳ, Сиз, шоирлар,
Мен ростини айтсам, агар ёр холи учун
Шаҳар эмас, жонни нисор айламоқ даркор.
Гапнинг асл индаллосин эшитинг энди:
Бизнинг улуғ шаҳарларни баҳолаш учун
Бундан ортиқ ташбиҳ бўлмас, тасанно
Сизга.*

(Абдулла Орипов, “Соҳибқирон”)

Эътибор қилинса, ушбу мисраларда қўлланган *ташбиҳ* (ташбеҳ) атамаси ушбу таҳлилларда биз назарда тутаетган истиора маъносида қўлланмоқда. Албатта, бу мантиқдан ҳоли эмас, чунки “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагиларни ўқиймиз:

ТАШБИҲ [ўхшатиш; таққослаш; ўхшашлик; мажоз] ад. Ўхшатиш; ма-жоз. Бундай ўринларда *ташбиҳ* айни чоқда *муболаға*, *ифрот моҳиятига* эга. “ЎТА”. Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари *тушунмайдиган истилоҳ*, *таъбир*, *ташбиҳ* ва *жумла йўқ*. А.Қодирий, “Обид кетмон”; А.Орипов, “Онажон” [4.20].

Маълумки, *истиора* (араб. — қарзга олиш) бадий матнда бадий тасвир учун қўлланган восита, кўчим турларидан бири. У ҳам ташбеҳ каби икки нарса ўртасидаги ўхшашликка асосланади. Истиора ташбеҳдан фақат ўхшатиш ва ўхшаган унсурлардангина ташкил топишидан, ўхшатиш асоси йўқлиги ва ўхшатиш асос имплицит ифодаланиши жиҳатдан фарқланади. Таҳлиллардаги *ўхшатиш*

ТИЛШУНОСЛИК

ва ўхшовчи сўзларининг маъноларини нисбий тушунмоқ лозим. Чунки ўхшатиловчи бир вақтнинг ўзида ўхшовчи ҳам, ўхшовчи бир пайтнинг ўзида ўхшатиловчи ҳамдир. Демак, ўхшатиловчи ва ўхшовчи терминларининг маъносини шартли маъно, ижтимоий келишув асосидаги ифодаланмиш/ ифодаловчи сифатида тушунишимиз мақсадга мувофиқдир.

Истиора бадий матнда нарса, воқеа, ҳодисанинг аниқ ва ёрқин ифодаланишига, образлар тавсифларининг сўзловчи онги ва ҳиссиётларига кучли таъсир этадиган даражада равшан берилишида, асар ҳиссий-бўёқдорлик сифатининг ошишида катта аҳамиятга эга. Истиоранинг қуввати ушбу вазифани амалга оширадиган восита – сўзнинг кучи, қудрати, унинг тўғри, ўринли, мантиқли танланиши ва қўлланиши билан боғлиқ.

Истиоранинг икки тури – очиқ ва ёпиқ истиоранинг қўлланишида сўзларнинг метафорик “ўйин”и ўзига хос. Очиқ истиорада ўхшаган объект тушириб қолдирилиб, ўхшатиловчи объект қўлланади:

*Менинг қўлим етмаган юлдуз,
Тушларимда сени кўргайман.*

(Абдулла Орипов)

Маъшуқани ифодаловчи сўз тушириб қолдирилган ва унга ўхшатилаётган предмет ифодаси – юлдуз сўзи қўлланган.

Ёпиқ истиорада ўхшатирилган объект тушириб қолдирилиб, ўхшаган предмет ифодаси берилади:

*Қолган сўзлар тутқизмади ўз баридан
(Фафур Фулом)*

Очиқ истиорада маъшуқа (одам) юлдуз (предмет) га ўхшатирилган бўлса, иккинчи истиорада сўз (предмет) одамга ўхшатирилган.

Ҳар бир ўхшатиш (истиора/метафора)да гарчи ташбеҳдаги каби ўхшатиш воситалари бўлмаса-да, метафорик маънони очиб берувчи, калит, ёрдамчи/қўмакчи воситалар матнда мужассам бўлади. Хусусан, ҳозиргина келтирилган мисраларда бунинг далилини кўрамиз. Аввало, бу вазифани контекст бажаради. Контекст эса сўзлардан ташкил топади. Қўлларнинг етмаслиги юлдузларнинг узоқлигидан далолат беради

ва мисрадаги юлдуз ифодасининг шоир кўзда тутаётган маъносини муайянлаштиради ҳамда кучайтиради. Аммо *тушларимда сени кўраман* ифодаси кўчимнинг кўзда тугилаётган маъносини муайянлаштиради.

Қолган сўзлар тутқизмади ўз баридан жумласидаги метафорик (истиоравий) маънонинг муайянлаштирувчиси ушбу жумланинг ўзидаги *баридан тутқизмади* бирикмасидир.

Халқ мақоллари ҳам ўхшатиш санъатининг у ёки бу турини ҳосил қилувчи унумли воситалардан биридир. Ҳар қандай халқ мақоли ўхшатиш асосида келтирилади. Матндаги бирор фикр ёки матндаги бутун бошли мазмун маълум бир мақол асосида шакллантирилар экан, улар орасида алоқани мазмундаги ўхшашлик шакллантиради. Шунга кўра, мақоллар иштирок этган гаплардаги ўхшатишни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

–матнда ифодаланган воқеликни бутунлигича мақол мазмунидан англашилган воқеликка ўхшатиш;

–матндаги бирор ички ҳодисани мақолда ифодаланган воқеликка ўхшатиш.

Биринчи ҳолатда мақол асар учун эпиграф сифатида ишлатилиши мумкин. Бунинг ёрқин далилини ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоя ва қиссаларида кўришимиз мумкин. Масалан, адибнинг “Бемор” ҳикояси учун “Осмон узоқ, ер қаттиқ”, “Ўғри” ҳикояси учун “Отнинг ўлими итнинг байрами”, “Башорат” ҳикоясига “Ола қарға қағ этади, Ўз вақтини чоғ этади” мақолларининг эпиграф қилиб танлангани фикримизнинг далилидир. Ёзувчи бутун ҳикоя мазмуни учун халқ мақолини калит, бадий нияти учун методологик асос сифатида белгилайди.

Иккинчи ҳолатда матн таркибида мақол келтирилиб, фикрни асослаш, унга далиллаш вазифаси юклатилади. Мисоллар: 1. *Стахановчиликнинг ҳикмати шундаки, ҳожи бобо... ўзимизда бир мақол бор-ку: “Бировнинг ишига саратонда қўл совқотади”*. *Стахановчиликнинг ҳикмати ҳаммадан бурун шундақа, мён бошқарадиган ўттиз иккита машина ҳам, бу машиналар билан килинадиган иш ҳам бировники эмас. Бу — бир...* (Абдулла Қаҳҳор, “Йиллар”). 2. *Боқий дунёнинг борлиги унинг остонасига*

келганимиздагина ёдимизга тушади. Инсон унинг борлигига бир умр иймон келтирса, каптар келиб қузғун кетмасди... **“Келса гумон — кетар иймон”**, дегани шундан-да (Асқад Мухтор, “Фано ва бақо”). 3. Мирзаабдулла ака мезбонни бағрига босиб: — Ўғил боланинг ишини қилдингиз, дўстим. **“Ота-онанг ўлса ўлсин, ёри дўстинг ўлмасин”** деган доно гапга юз фоиз амал қилдингиз, қойил. — У шундай деб мезбонни чўпиллатиб ўпа бошлади (Саид Аҳмад, “Киприкда қолган тонг”). 4. Абдулла Қаҳҳорнинг қайсарлиги тутди. — Бу гапни нега секретариат аъзолари олдида айтмай, панада айтяпсиз? Юринг, одамлар олдида гапиринг.

Яшин ака жуда ноқулай аҳволда қолди.

Айтсам – тилим, айтмасам – дилим куяди, деган мақол шу топда жуда жойини топган эди (Саид Аҳмад, “Киприкда қолган тонг”).

Мақоллар ўхшатиш санъатини ҳосил қилганда ҳам ўхшатиш унсурларини у ёки бу даражада кўришимиз мумкин.

Ўхшатиш санъатини ҳосил қилган **“Айтсам – тилим, айтмасам – дилим куяди”** мақоли бирор гапни айтиш ва айтмаслик орасида иккиланаётган шахс ҳолатини англатади. Бундай кишидаги икки жиҳат – виждон ва андиша курашади. Виждон ҳақ гапни айтишга, андиша эса киши дилини оғритмасликка ундайди. Яшин ака ҳақиқатни айтай деса, андиша бунга йўл бермаяпти, айтмаслик эса унинг ичини кемиряпти. Умуман олганда, у икки ўт – айтиш ва айтмаслик орасида азобланыпти. Бу ҳолат мазкур мақолдаги мазмунга мос. Бунда тасвирдаги ҳолат мақолда ифодаланган ҳолатга ўхшатиляпти. Демак, ўхшаётган ва ўхшатиляётган ҳодисалар яққол ифодаланган. Аммо ўхшатиш воситаси вазифасини бу ерда адиб томонидан айтилган “... деган мақол жуда жойини топган эди” ифодаси бажармоқда. Кўринадики, мақол ўхшатишнинг ташбеҳ турига монанд бадиий ҳодисани намоён қилган. Юқорида берилган гапларда ўзимизда бир мақол бор-ку (1-гап), дегани шундан-да (2-гап), деган доно гапга юз фоиз амал қилдингиз, қойил (3-гап) воситалари шундай вазифани бажарган.

Ташбеҳ воситаси муаллиф нутқига ҳам, персонаж нутқига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Аммо Акбар Суржон Раога қараб:

— Мен сизнинг мард, олижаноб саркарда эканлигингизга ишонганим учун ҳузурингизга ўзим келдим,— деди. — Бизда **“Элчига ўлим йўқ”** деган мақол бор! (Пиримқул Қодиров, “Авлодлар довони”) гапида персонаж нутқида берилган мақол ўхшатиш вазифасини бажарган. Бунда, албатта, мақол тўла маънодаги ўхшатиш учун хизмат қилган, деб бўлмайти. Чунки келган кишининг ўзи элчи вазифасини бажармоқда. Аммо, ҳарқалай у саркарда, ҳақиқий элчи эмас. Балки у росмана элчи бўлганда, балки бу мақол келтирилмас эди ва бунинг эҳтимоли каттароқдир. Адиб мақолни қўллаш билан бир неча вазифани адо этмоқда. Биринчиси ўхшатиш бўлса, иккинчиси фикрнинг таъсирчанлигини ошириш, учинчиси эса ўз халқининг олижаноблигини кўрсатмоқда. Қуйидаги гапда фикр таъсирчанлигини таъминлаш учун мақол қўлланган. Бунда одам одамга эмас, балки одамнинг ҳолати туянинг устида ҳам ит қопадиган кишининг ҳолатига қиёсланмоқда: *Бари калга қайтадан жингала соч битди. Менинг каллам ялтираб қолди. Битта-да соч битмади! Дўхтирлар ажабланди, камдан-кам учрайдиган воқеа, деди. Хўрлигимдан йиғлаб-йиғлаб уйга келдим. Онамиз тап-тақир калламни ушлаб-ушлаб кўрди. Ич-ичидан куйди. Айтиб-айтиб йиғлади.* — **Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади**, дегани шу-да, — деди (Тоғай Мурод, “От кишнаган оқшом”). Бу мақол – образли ифода. Аслида туянинг устидаги кишини ит қопган / қопмаганлиги иккинчи даражали ҳодиса. Бунда, албатта, муболаға кўпроқ. “Аслида ночор эдик, бунинг устига тузалмас дардга йўлиқдик” деган фикрни образли мақол қувватлантиради.

Кейинги мисолларда шахс эмас, балки бир шахснинг бир ҳолати бошқа ҳолатига ўхшатишмоқда: 1. *Кал деганимни кўнглингизга олманг-у, Зиёдулла чавандоз, бу калнинг юзи қурсин! Ана, халқнинг қарғиши урди! — Индамагин калга — ўзи келар ҳолга, дейдилар* (Тоғай Мурод, “От кишнаган оқшом”). *Қатрон кал чавандозга огоҳлантириш берди: — Сўкинманг, ўртоқ чавандоз! Бу ер жамоат жойи! — деди. Чавандоз эшитмади. Аммо баковул эшитди. Қатрон калга хўмрайиб-хўмрайиб қаради.* — **Кал ўзини овутар — қўлтиғини совутар**, дегани шу-да — дея

ТИЛШУНОСЛИК

тўнғиллади (Тоғай Мурод, “От кишнаган оқшом”). Тилимизда кал, кўр, соқов каби жисмоний нуқсонлар билан боғлиқ мақоллар ҳам талай. Бу мақоллар гоҳида айнан шундай нуқсонли одамларга нисбатан қўлланса, гоҳида шунга ўхшаган вазият ва хусусиятга эга бўлган кишиларга нисбатан қўлланилади. Бундай ўхшатишларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- шахсларнинг айнанлигида ҳолат ўхшашлигига асосланган ўхшатиш;

- шахслар ҳар хиллигида ҳолат ўхшашлигига асосланган ўхшатиш. Мақоллар қўлланишида ўхшатишнинг иккинчи тури кўпроқ учрайди.

Кузатишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, халқ мақолларининг ташбеҳ ҳосил қилишига доир далилларга дуч келдик. Лекин истиоравий ўхшатишларни учратмадик. Бунинг бир неча сабаблари бўлиши мумкин. Уларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- лексик бирликлар истиора санъатини ҳосил қилиш учун қўлланганда,

далиллаш вазифасини бажаришига эҳтиёж сезилмайди, мақоллар эса, асосан, айтилган фикрни далиллаш вазифасини бажаради;

- лексик бирликларнинг истиоравий қўлланилишида улардаги нисбий мустақиллик бўртиб туради ва ижодкор уларнинг айнан шу ҳолатини асос қилиб олади, халқ мақоллари эса методологик характерга эга бўлганлиги сабабли ҳар бир вазиятда ўзига хос вазифа бажаради, шу боисдан улар маълум бир фикр ифодасидан кейин (баъзан олдин) келиб, мустақил ҳолда тегишли мазмунни англата олмайди;

- халқ мақоллари полифоник табиатли бўлиб, лексик бирликлардан бу жиҳати билан ҳам ажралиб туради.

Юқоридагилар ҳам истиора (метафора), ҳам нометафорик ўхшатиш (ташбеҳ) санъатини ҳосил қиладиган лексемалардан мақолларнинг ўхшатиш ҳосил қилиш имкониятлари маълум даражада тор эканлиги, аммо уларнинг перцептив (қабул қилиниш, англаниш) имконияти кенг эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Афоқова Н.М. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: филол.фанлари номз. ...дисс. автореф. – Т., 1997.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Т., 2008.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).